

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

67.Уразова Р. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	511
68.Улашова С. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА ҚАВЧИНЛАР.....	526
69.Aminova A.M., Umarov J.O. BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....	533
70.Усманова З., Тишабаева Л. ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....	537
71.Қобулов Э., Ражабова С. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....	541
72.Ходжаева Л.Ш. ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	548
73.Ходжамбердиев Х.Э. СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....	554
74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M. BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA	562
75.Қурбонов Э.Э. ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУҒИ (Зомин туркманлари мисолида).....	567
76.Юлдашева М.М. БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....	572
77.Хосиятов Х.О. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....	577
78.Хакназаров Х.Д. КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....	583
79.Хатамова З.Н. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....	590


- 80. Холмўминов Ҳ.Э.**
ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ
ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ).....596
- 81. Худойкулов Т.Д., Халилов Ж.С.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК
ВА САВДО.....604
- 82. Ўтанов Х.Ш.**
XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ
ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....615
- 83. Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б.**
ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ
БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....625
- 84. Юлдошева Б.М.**
XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА
ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....636
- 85. Фаффоров Я.Х.**
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....643
- 86. Шайдуллаева Г.Ш.**
БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ
ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА
АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....651
- 87. Yakubova Sh.A.**
O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....659

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хосиятов Хуршид Отакулович,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
"Ўзбекистон тарихи" кафедраси ассистенти
E-mail: xurshid3107@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ

For citation: Khosiyatov Khurshid Otaqulovich. ARCHEOLOGICAL MUSEUM IN TERMIZ DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2020, SI, pp.577-582

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-77>

АННОТАЦИЯ

Мустақил республикамиз бебаҳо табиий бойликлари билангина эмас, балки тарихи, бетақрор обидалари ҳамда маданий-маънавий ёдгорликлари билан ҳам жаҳонгамашхур. Иқтисодий ислохотларнинг янги даврига кирган мустақил республикамиз олдида музей ишларини янада ривожлантириш, маънавиятимизни юксалтириш каби долзарб муаммолар турибди.

Калит сўзлар: музей, маданий ёдгорлик, хумлар, сопол қувурлар, мармар қабртош, устунли айвон

Хосиятов Хуршид Отакулович,
Каршинский инженерно-экономический институт
Ассистент кафедры "Истории Узбекистана"
E-mail: xurshid3107@mail.ru

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЙ МУЗЕЙ ТЕРМЕЗА ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор отмечает, что наша независимая республика известна не только своими бесценными природными ресурсами, но и своей историей, уникальными памятниками, культурными и духовными памятниками. Республика Узбекистан, принявшая новый курс экономических реформ, сталкивается с

насушными проблемами, такими так развитие музеев и повышение нашей духовности.

Ключевые слова: музеи, памятники культуры, горшки, керамическая плитка, мраморные кровати, колонны

Khosiyatov Khurshid Otaqulovich,
Karshi Engineering and Economics Institute
lecturer at the Department of the History of Uzbekistan
E-mail: xurshid3107@mail.ru

ARCHEOLOGICAL MUSEUM IN TERMIZ DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

In this article, our independent republic is known not only for its priceless natural resources, but also with its history, unique monuments and cultural and spiritual monuments. The independent Republic of Uzbekistan, which has embarked on a new course of economic reform, faces urgent challenges, such as the development of museums in the, and the enhancement of our spirituality.

Index Terms: museums, cultural monuments, pots, ceramic tiles, marble beds, pillars.

Долзарблиги. Халқимиз қадим замонлардан бери ўз тарихининг шонли саҳифаларига оид ноёб осори атиқаларини асраб-авайлаб келади. Улуғ инсонлар, табаррук алломалар ҳамда халққа ҳрамонларидан эсдалик бўлиб қолган буюмлар, тарихий манбалар афсоналарга айланиб, аждодлардан-авлодларга ўтиб келган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантқиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Президент Ш.Мирзиёев 2017 йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир. [1]

Мамлакатимизнинг узоқ уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихи шундан далолат берадики, ҳар доим ҳам юртимиз ўзининг бетакрор иқтисодий салоҳияти билан табиий равишда ўзига ром этиб келган. Кейинги бир ярим аср мобайнида халқимиз ўзининг беҳисоб иқтисодий-моддий, маданий-маърифий бойликларидан жудо бўлди. Бироқ, мазкур тазйиқларга, йўқотишларга қарамасдан, ўзбек халқи асл ўзлигини сақлаб қола билганлигига ҳам тарих гувоҳлик беради. Шу даврларда халқимиз тарихини акс эттирувчи кўплаб ноёб осори атиқаларимиз талон-тарож қилиниб, юртимиздан ташқарига ташиб кетилди. Шўролар даврига келиб музейларимиз коммунистик мафқурани тарғиб этадиган сиёсий ўчоқларга айлантирилди.

Ушбу миллий бойлик аждодларимиздан мерос бўлиб қолган, бинобарин, биз униқўз қорачиғидек авайлаб-



асрашимиз ва келажак авлодларга топширишимиз лозим", - дебುದирган эди Ислон Каримов. Мустақиллик туфайли ўзбек халқи ўз қаддини ростлади, унинг халқаро нуфузи кунсайин ортди. Дунё мамлакатларининг турли миллат ва халқларнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига муносабатининг ўзгариши бу - илдизлари асрлар қаърига, кўҳна тарихигатуташган тақдиримизга бўлган эҳтиромдир. Мамлакатимиз мустақиллик даврига қадам қўйгандан бери ҳаётимизнинг барчасоҳалари каби музейлар фаолиятида ҳам катта тарихий ўзгаришлар содир бўлди. Термиз шаҳридаги Сурхондарё вилояти Археология музейи Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шарофати ва шахсан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовлойиҳаси ва ташаббуси билан бунёд этилган маънавият масканидир.[2]

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барчажабҳаларида бўлганидек маданий соҳада, шу жумладан, бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасида ҳам туб бурилиш ясади. Мустақиллик йилларида Термиз шаҳрида бунёд этилган Археология музейи ҳам шубҳасизана шу эзгу ниятларни рўёбга чиқариш борасида муҳим қадам бўлди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Термиз шаҳридаги Сурхондарё вилояти Археология музейи кўрғазмалари Кириш зали, 9 та зал ва музей ҳовлисидаги айвон остида 1 асрдан тортиб эрамининг III асрларига мансуб устун асослари галереяси турли даврларга мансуб хумлар, сопол қувурлар, Шер бош қисми тасвири туширилган капитель ва ислонийёзувдаги мармар қабртош ва устунли айвон (галерея)дан иборат.



Кириш залининг пастки икки томонида хумлар, махсус чироқлар билан ёритиладиган витриналар ичида эса экспонатлар қўйилган. Залнинг ўртасида Сурхондарё вилоятининг топографик рельефли археологик ёдгорликлар харитаси, тўрида эса Кўҳна Термиз шаҳри қаъласининг макети қўйилган.

Шунингдек, кириш залида академик Ртвеладзе Э.В. томонидан ёзилган ўзбек, инглиз, рус тилларидаги вилоят тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар осиб қўйилган. Кўҳна Термиз шаҳри қалъаси макетининг ўнг ва чап томонида Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган археологик ва тарихий ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилувчи 3 хил тилдаги кўрсатувлар видеомониторлар орқали намойиш этиб турилади ва ҳар 15 минутда қайтадан такрорланади. Музейнинг кириш залида воҳанинг

ҳар бир тарихий даврига хос ганчдан ясалган ноёб ҳайкаллар, тош ҳовуз ва катта ҳажмдаги сопол идишлар жой олган бўлса, 9 таасосий кўрғазма залларида миллоддан

аввалги 100 минг йилликдан XX аср бошларига қадар Сурхондарё вилоят ёдгорликларини ўрганиш жараёнида топилган оддий тош қуроқлардан тортиб юксак дид билан яратилган санъат намуналаригача намойиш этилади. Республикамиз бебаҳо табиий бойликлари билангина эмас, балки тарихи, бетакрор обидалари ҳамда маданий-маънавий ёдгорликлари билан ҳам жаҳонгамашхур. Иқтисодий ислохотларнинг янги даврига кирган мустақил республикамиз олдида музей ишларини янада ривожлантириш, маънавийтагимизни юксалтириш каби долзарб муаммолар турибди. Бу вазифани муносиб тарзда бажариш учун дастлаб музейларнинг терма, йиғув ишларини ҳозирги замон даражасида ташкил этиш керак. Бу қидирув шаклидаги талаб тадқиқотларини, аҳолидан қимматбаҳо бўлган тарихий буюмларни аниқ мақсад асосида белгилашни, жойнинг ёки муайян ҳудудларнинг сайёҳлик йўналишларини, кўз ўнгимиздасодир бўлган тарихий воқеалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, музей аҳамиятига моликашёларни йиғиш учун истиқболлироқ жойларда музейларнинг доимий амал қилувчи қидирувларини ташкил этишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида тарихий ёдгорликлар, хусусан, амалий санъатга оид бебаҳо ёдгорликларни асраш ва халқ амалий санъати, хунармандчилигини ривожлантириш ишида ўзига хос инқилобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. "Ўзбек халқи яратган ва миллий бисотимиз бўлиб қолган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш - маънавий дастуриимизнинг муҳим қисмидир. [3]



Табиийки, ҳар қандай музей ўз захирасини янги топилма ва замонавий асарлар билан бойитиб боради. Шу маънода Амалий санъат музейида ҳам халқ санъати асарларини йиғиш ва уларни музей захирасига қабул қилиш узлуксиз давом этмоқда. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, аҳоли қўлида бўлган амалий санъатнинг ноёб намуналарини аниқлаш ва йиғиш учун жойларда илмий-амалий қидирув ишларини мунтазам олиб бориш зарур. Музейларимизда сақланаётган амалий санъат асарлари илмий тадқиқотлар учун бебаҳо моддий манба эканлиги билан ҳам алоҳида илмий қиммат касб

этади. Музейлараро қўшма кўرғазмалар кўламини ҳар галгидан ҳам кенгайтириш зарур.

Сурхондарёдаги музей захираларида шундай асарлар борки, улар нафақат мамлакатимиздаги марказий музейларда, қўйингки, дунёнинг ҳеч бир музейида учрамайди. Музейлараро қўшма кўрғазмаларнинг афзаллик томонларидан бири, аввало, минглаб музей ихлосмандларига қулай имконият яратилишидир.



Қолаверса, музей ходимлари ўзаротажриба алмашадилар ва илмий услубий ёрдам оладилар.[4]

Музей ишининг яна бир муҳим жиҳати-туризм билан боғлиқ муаммодир. Вилоятдаги бой тарихга эга қадамжолар, муқаддас зиёратгоҳлар ҳудудда зиёрат туризмни жорий этиб, нафақат маҳаллий балки, хорижлик сайёҳлар оқимини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, ҳозиргача вилоятнинг бу борадаги салоҳиятидан самарали фойдаланишга эътиборсизлик билан ёндашиб келинаётган эди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" бу борадаги ишларни янги босқичда рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида воҳанинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиб, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратган эди. Шунга мувофиқ вилоятда 2018-2019 йилларда Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қабул қилинмоқда. Унда ҳудуднинг янгиланган, замонавий қиёфасини яратиш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, хориждан ташриф буюраётган сайёҳларга сифатли хизматлар кўрсатиш каби муҳим масалаларга алоҳида аҳамият берилгани зиёрат туризми имкониятларидан унумли фойдаланишга қулай муҳит яратади.

4.Хулосалар:

Ҳозир музейларимизда ажодларимиздан қолган, халқнинг фаҳри ва кўрки бўлган, маърифий ва маънавий даражасини белгиловчи улкан ва улуғвор тарихий меросларимизнидунё миқёсида намойиш этишнинг барча имкониятлари мавжуд. Музей-фақат тарихий мерос, санъат асарларини асраш ва сақлашгагина хизмат қилиб қолмай, тарбиянинг энгтаъсирчан, омилкор воситаси ҳамдир. Зеро, буни тарбиянинг ҳеч бир усули билан қиёслаб бўлмайди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ш.Мирзиёев. Туристлар оқимини 12 миллионга етказиш вазифаси ижрода. 2020 й. 26 январь .(Sh.Mirziyoev. Thetouristsaretaskedwith a 12 million target. 2020 January 26th)
2. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш сари.- Т.: "Ўзбекистон"1998. -25 бет (I.Karimov. Towards a SpiritualEnlightenment . - Т.: "Uzbekistan" 1998. -25 pages)
3. Н .Содиқова. Маданий ёдгорликлар хазинаси. -Т.: "Фан", 1991.- 73 бет. (N .Sodiqova. TheTreasuryofCulturalMonuments. -Т.: "Science", 1991.- 73 -pages)
4. И.Т.Буланий.,И.Т.Явтушенко.Музей на общественных началах. - М.:1985.- стр 60 (I.T .Bulani, I.T. Yavtushenko.Muzeynaобщественныхначалах.- М .: 1985.- str 60)
5. uza.uz\tourism
6. mininnovation.uz\mininno\tanlov\tur3
7. idum.uz\archives
8. surxontongi.uz\Жамият
9. <https://www.xabar.uz/tag/termiz-arxeologiya-muzeyi>
10. <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=250>

11. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D0%B5%D1%80%D0%BC%D0%B5%D0%B7>
12. <http://uza.uz/oz/society/termiz-arkheologiya-muzeyi-khodimlarining-takliflari-tinglan-26-10-2018>
13. https://novotours.uz/ru/about-uzbekistan/uzbekistan_cities/termez/dostoprimechatelnosti-termeza/termez_archaeological_museum.html/
14. <http://www.culture.gov.uz/post/view/147>
15. <http://www.openarium.ru/poi/16081138/>
16. https://www.tripadvisor.ru/Attraction_Review-g789366-d8686282-Reviews-Archeological_Museum-Termiz_Surxondaryo_Province.html

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000